# ФИЛОЛОГИЯ МАСАЛАЛАРИ

ХАЙРАТ ВАТАЭКИН



hididan sezib, farqlaydi. Kuchuk, mushuk kabi jonivorlar yalmog'iz kampirning yordamchilari sifatida talqin qilinadi.

Yalmog'iz kampir, odatda, sehr-jodu qudratidan yomon niyatda foydalanadi. Insolarga yordam berish mumkin bo'lgan sehrli predmetlarni o'z xususiy boyligiga aylantirib, ularni pinhona saqlaydi. Bu predmetlarning odamlar qo'liga tushib qolmasligi uchun jon- jahdi bilan kurashadi. Imkon qadar ularni qo'riqlab saqlaydi. Ertaklarga bu xos bu motiv aslida ramziy, yashirin ma'no tashiydi. Bu bilan sehr-jodu qudratidan yomonlik yo'lida foydalanish maqsadi qoralanidi. Sehr- joduning inson farovonligi, baxt- saodati yo'lida ishlatilishi lozimligi ta'kidlanadi. Shu bilan o'rta asrlarda avj olgan jodugarlik, ''qora magiya'' va u bilan shug'ullanuvchilar keskin fosh etiladi.

Xullas, yomon niyatda foydalanilgan sehr- jodu ezguliknig yo'lini to'solmaydi. Qaytaga uning kasofati o'sha insonning o'ziga uradi. Xalqning mana shu e'tiqodi ertakda o'ziga xos tarzda badiiy talqin qilinmoqda.

Ma'lumki, hozirgacha ayrim kimsalar turli afsun – duolardan foydalanib, ''isitma'', ''sovutma'' qilish bilan shug'ullanib, kishilarga ozor yetkazib keladilar. Bunday kimsalarga hamma zamonlarda ham salbiy munosabatda bo'lib kelingan. Chunki ular tinch insonlarning oromini buzadilar. Ularga ma'naviy ozor yetkazadilar. Ertaklardagi jodugar kampir obrazi esa shunday tiplarning badiiy timsoli sifatida ko'zga tashlanadi. Xullas, yalmog'iz kampir obrazi qadimiy mifologik obraz bo'lib, uning yaratilishiga ''momo – ruh'' haqidagi ibtidoiy tasavvurlar asos bo'lgan. Keyinchalik bu timsol ertaklarda yana boshqa salbiy qiyofadagi kampirlar timsolining paydo bo'lishiga turtki bo'ldi.

*Дилафруз Жабборова. (БухДУ магистранти)*

## МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ МЕТОДЛАРИ ЁРДАМИДА ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Педагогик технология ва педагог махоратига оид билим, тажриба ва интерактив методлар ўқувчи - талабаларни билимли, етук малакага эга бўлишликларини таъминлайди. Замонавий ўқитувчи таълим – тарбия жараёнида инновацион усуллардан фойдалана билиши ва амалга ошира олиши лозим.**

**Кластер методи педагогик, дидактик стратегиянинг муайян шакли бўлиб, у таълим олувчиларга ихтиёрий муаммо (мавзу)лар хусусида эркин, очиқ ўйлаш ва фикрларни бемалол баён этиш учун шароит яратишга ёрдам беради. Мазкур метод турли хил ғоялар ўртасидаги алоқалар фикрлаш имкониятини берувчи тузилмани аниқлашни талаб этади. «Кластер» методи аниқ объектга йўналтирилмаган фикрлаш шакли саналади. Ундан фойдаланиш инсон мия фаолиятининг ишлаш тамойили билан боғлиқ равишда амалга ошади. Ушбу метод муайян мавзунинг таълим олувчилар томонидан чуқур ҳамда пухта ўзлаштирилгунига қадар фикрлаш фаолиятининг бир маромда бўлишини таъминлашга хизмат қилади.**



Гуруҳ асосида ташкил этилаётган машғулотларда ушбу метод гуруҳ аъзолари томонидан билдирилаётган ғояларнинг мажмуи тарзида намоён бўлади.

Бу эса гуруҳнинг ҳар бир аъзоси томонидан илгари сурилаётган ғояларни уйғунлаштириш ҳамда улар ўртасидаги алоқаларни топа олиш имкониятини яратади.

«Кластер» методини ўтказиш технологияси:

1-босқич. Ниманики ўйлаган бўлсангиз, шуни қоғозга ёзинг. Фикрингизни сифати тўғрисида ўйлаб ўтирмай, уларни шунчаки ёзиб боринг.

2-босқич. Ёзувингизнинг орфографияси ёки бошқа жиҳатларига эътибор берманг.

3-босқич. Белгиланган вақт ниҳоясига етмагунча, ёзишдан тўхтаманг. Агар маълум муддат бирор-бир ғояни ўйлай олмасангиз, у ҳолда қоғозга бирор нарсанинг расмини чиза бошланг. Бу ҳаракатни янги ғоя туғилгунга қадар давом эттиринг.

4-босқич. Муайян тушунча доирасида имкон қадар кўпроқ янги ғояларни илгари суриш ҳамда мазкур ғоялар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва боғлиқликни кўрсатишга ҳаракат қилинг. Ғоялар йиғиндисининг сифати ва улар ўртасидаги алоқаларни кўрсатишни чекламанг.

Масалан: «Жамият» сўзини қуйидагича тармоқларга ажратиш мумкин.




«Скарабей» интерактив технология бўлиб, у ўқувчиларда фикрий боғлиқлик, мантиқий хотиранинг ривожланишига имконият яратади, ҳар қандайдир муаммони ҳал қилишда ўз фикрини очиқ ва эркин ифодалаш маҳоратини шакллантиради. Мазкур технология ўқувчиларга мустақил равишда билимнинг сифати ва савиясини холис баҳолаш, ўрганилаётган мавзу ҳақидаги тушунча ва тасаввурларни аниқлаш имконини беради. У,

айни пайтда, турли ғояларни ифодалаш ҳамда улар орасидаги боғлиқликларни аниқлашга имкон яратади. «Скарабей» технологияси ҳар томонлама бўлиб, ундан ўқув материалининг турли босқичларини ўрганишда фойдаланилади:

- бошида-ўқув фаолиятини рағбатлантириш сифатида («ақлий ҳужум»);
- мавзуни ўрганиш жараёнида-унинг моҳияти, тузилиши ва мазмунини белгилаш; улар орасидаги асосий қисмлар, тушунчалар, алоқалар характерини аниқлаш; мавзуни янада чуқурроқ ўрганиш, янги жиҳатларини кўрсатиш;
- охирида-олинган билимларни мустаҳкамлаш ва якунлаш мақсадида «Скарабей» технологияси ўқувчилар томонидан осон қабул қилинади, чунки у фаолиятнинг фикрлаш, билиш хусусиятлари инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилган. У ўқувчилар тажрибасидан фойдаланишни кўзда тутади, рефлектив кузатишларни амалга оширади, фаол ижодий излаш ва фикрий тажриба ўтказиш имкониятларига эга. Мазкур технологиянинг айрим афзалликлари сифатида идрок қилишни енгиллаштирувчи чизма шакллардан фойдаланишни кўрсатиш мумкин.

«Скарабей» алоҳида ишларда, кичик гуруҳларда ҳамда ўқув жамоаларида қўлланилиши мумкин.

Таълимдан ташқари мазкур метод тарбиявий характердаги қатор вазифаларни амалга ошириш имконини беради:

- ўзгалар фикрига хурмат;
- жамоа билан ишлаш маҳорати;
- фаоллик;
- хушмуомалалик;
- ишга ижодий ёндашиш;
- имкониятларини кўрсатиш эхтиёжи;
- ўз қобилияти ва имкониятларини текширишга ёрдам беради;
- «мен»лигини ифодалашга имкон беради;
- ўз фаолияти натижаларига маъсуллик ва қизиқиш уйғотади.

Эркин фикрлаш дарслари илмий-оммабоп адабиётлар, вақтли матбуотда чоп этилган мақолалар ва бу мақолаларнинг муҳокамаларига бағишланади.

Эркин фикрлаш дарсларидан кўзда тутилган мақсад:

1. Ўқувчиларнинг билим доирасини, илмий дунёқарашини кенгайтириш.

2. Ўқувчиларни илмий, илмий-оммабоп мақолалар, рисолалар, китоблар билан таништириш орқали уларнинг билим олиш ва фанга бўлган қизиқишларини орттириш.

3. Ўқувчиларнинг аввал ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини янги вазиятларда қўллаш орқали янги билимларни эгаллашларига эришиш.

Мунозарали дарсларнинг муваффақияти қуйидаги масалаларни тўғри ҳал этишга боғлиқ:

- ўқувчиларнинг дарсга қизғин тайёргарлик кўришига;



- улар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, ёрдам уюштирилишига;
- ўқувчиларнинг ўз фикр-мулоҳазаларини тўлиқ баён қилиши ва мантиқан далиллашига;
- ўқувчиларда бошқаларнинг фикрини сабот ва чидам билан тинглаш кўникмаларининг ҳосил қилинганлигига;
- ўқитувчининг иқтидори, эътиқоди, ўқувчиларнинг билим фаолиятини фаоллаштира олиш кўникма ва малакаларига эгаллаганлик даражасига боғлиқ бўлади.

Венн диаграмма-график кўринишда бўлиб, олинган натижаларни умумлаштириб, улардан бир бутун хулоса чиқаришга, икки ва ундан ортиқ предметни (кўриниш, факт, тушунча) таҳлил қилиш ва ўрганишда қўлланилади. Диаграмма икки ва ундан ортиқ айланани кесишмасидан ҳосил бўлади.

Мақсад: икки ва ундан ортиқ предмет ва тушунчаларни таққослашда, турли ва умумий томонларини аниқлашда билим ва кўникмаларни шакллантириш.

Амалга ошириш босқичлари:

1-босқич. Ўқувчилар (шериклари билан) икки доирани тўлдирадилар, ҳар бир доирага икки тушунча (предмет)ни эътиборли томонлари санаб ўтилади.

2-босқич. Ўқувчиларни кичик гуруҳларга (4-5 кишидан иборат) бирлаштириб, диаграммаларни таққослаймиз ва тўлдирамиз.

3-босқич. Кичик гуруҳ ўқувчиларига бу тушунчаларнинг (предмет, кўринишларнинг) умумий хоссаларини аниқлашни таклиф этамиз.

4-босқич. Бирон бир гуруҳ вакили ҳар бир тушунчанинг ўзига хос томонларини ўқийди. Бошқалар зарурат бўлганда уни жавобини тўлдирадилар.

5-босқич. Бошқа гуруҳ вакиллари икки тушунчани бирлаштирувчи (умумий) хусусиятларни ўқийди. Бошқалар зарурат пайдо бўлганда бу жавобларни тўлдирадилар.

Намуна:




Дидактик ўйинли дарсларнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидаги шаклларда ўз аксини топган.




Дидактик ўйинли дарсларни ўқувчиларнинг билим олиш ва ўйин фаолиятининг уйғунлигига қараб: сюжетли-ролли ўйинлар, ижодий ўйинлар, ишбилармонлар ўйини, конференциялар, ўйин-машқларга ажратиш мумкин.

Ўқитувчи аввал ўқувчиларни индивидуал, сўнгра гурухли ўйинларга тайёрлаши ва уни ўтказиши улар муваффақиятли чиққандан сўнг, оммавий ўйинларга тайёрлаши лозим. Чунки ўқувчилар дидактик ўйинли дарсларда фаол иштирок этишлари учун зарурий билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари, бундан ташқари, синф жамоаси ўртасида ҳамкорлик, ўзаро ёрдам вужудга келиши лозим.

*Ўқитувчи дидактик ўйинли дарсларни ўтказишда қуйидаги дидактик талабларга амал қилиши лозим:*

1. Дидактик ўйинли дарслар дастурида қайд этилган таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсад ва вазифаларни ҳал қилишга қаратилган бўлиши.
2. Муҳим муаммоларга бағишланиши ва улар ўйин давомида ҳал қилиниши.
3. Баркамол инсон шахсини тарбиялаш тамойилларига, шарқона одоб-аҳлоқ нормаларига мос келиши.
4. Ўйин структураси мантиқий кетма-кетликда бўлиши.
5. Мазкур дарсларда дидактик принципларга амал қилиниши ва энг кам вақт сарфлаган ҳолда улкан самарага эришиш керак.

Мазкур методлар ўқитувчи билан ўқувчининг фаол муносабати, бир-бирини тўлиқ тушунтиришга асосланади. Бу методларни ўқув жараёнига жорий этишнинг туб мақсади – дарс қайси шаклда бўлмасин, қаерда ўтказилмасин, дарсда ўқитувчи билан ўқувчининг ҳамкорликда



ишлашини ва натижада ўзлаштиришларини таъминлаши лозим. Бунда ўқитувчи фақат фасилитатор (йўл-йўриқ кўрсатувчи, кузатувчи, хулосаловчи) вазифасини бажаради. Ушбу методлар орқали ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятлари ривожлантирилиб, уларда эркин фикрлаш, мустақил қарор қабул қилиш, ҳиссиётларни бошқара олиш, танқидий ва ижодий фикр юритишнинг ривожланишига замин тайёрланади.

*Жумаева Н. (БухДУ катта ўқитувчиси)*

## ДЕҲҚОНЧИЛИК МАРОСИМЛАРИДА ФОЛЬКЛОР ҚЎШИҚЛАРИНИНГ ЎРНИ

XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларида Бухоро воҳасида ғалла янчиш ва хирмон кўтариш билан боғлиқ бир қатор урф-одатлар ва маросимлар ўтказилган. Дала ёзувларининг гувоҳлик беришича, бундай одатлар ва маросимларда халққа хос бўлган энг яхши фазилатлар: бағрикенглик, сахийлик, тантилик, чинакам халқчил ва умуминсоний қадриятлар ўз ифодасини топган. Шуни айтиш керакки, воҳа деҳқонлари дала ишларини асосан, маҳаллий темирчи усталар ясаган бел, кетмон, вила, ўроқ, шоха каби асбоблар билан амалга оширган. Ғаллани ўришда ўроқнинг роли, айниқса, катта бўлган. XX асрнинг бошларида ҳар бир оила хўжалиги ("ҳаяти")даги буғдой ёки арпани ҳеч кимнинг ёрдамисиз ёки 2-3 оила аъзолари бирлашган ҳолда ўришган.[1] Бой-бадавлат кишилар, яъни катта ер эгалари ўримга пул эвазига ташқаридан ёрдамчи ишчи кучи таклиф қилган ёки қишлоқдошларини кўмакка, ҳашарга чақирган.

Воҳа деҳқонлари ўримни туғаллаб, буғдойни янчишга ўтар эканлар, бир неча ирим-сирим, урф-одатларни амалга оширганлар. Хирмон жойда янчиш бошланиши олдидан "Чош кўрди" ёки "чош оши" қилинган. Хирмонда мол сўйилиб, қон чиқарилган. Курбонлик қилиш ёхуд Хизр, Бободеҳқонга атаб ис чиқариш пайкал аъзолари ёки якка шахс оиласи томонидан амалга оширилган[2].

"Чош оши", "хирмон оши"га хирмонга жой ҳозирлаётгалар (тайёрлаётганлар), оқсоқол, мироб ва бир неча хурматли кексалар таклиф қилинган. Шу атрофдан ўтаётган йўловчилар ҳам ошга чақирилган. Таом (шўрва, палов) еб бўлингач, дин пешвоси, мабодо у қатнашмаётган бўлса, оқсоқоллардан бири "Қуръон"дан суралар ўқиб, Оллоҳдан чошга, хирмонга барака тилаган.

Янчиш ишлари одатда отлар ёки ҳўкизлар билан амалга оширилган. Ғалласи кам хўжалик (оилалар) аъзолари буғдойни "кўлоғоч", "калтак "тўқмоқ" ва баъзан эшаклар ёрдамида янчганлар. Хирмон жойда ҳайвонлар воситасида бажариладиган ишлар "ҳўп" деб аталган.

---

[1] Жармышева -Б. Х. Об узбекских трудовых крестьянских песнях. -С.73.
[2] Громолона К.А. Следы древнего культа воды у таджиков. -С.114

тилидаги ФБлар турли ранглар (gris ва noir) воситасида ясалган бўлсада, мазмунан ўзаро синонимдир. Шу билан бирга 2 – гапда мазмун 1 – гапга қараганда кучлироқ бўёқдорликка эга.

5 – Мисол.

Elle **est déjà toute grise**. — Унинг **сочига аллақачон оқ тушган.**

Бу мисол иборанинг омонимлик хусусиятга эгалигини тасдиқлайди (4-мисолга қаранг). Яъни, **être gris:**

1) ширакайф бўлмоқ;

2) сочига оқ тушмоқ, демакдир.

Француз тили фразеологиясида "соч(соқол)ига оқ тушмоқ" маъносини англатиш учун blanc – оқ рангдан эмас, балки gris – кулрангдан фойдаланилади. Бу французларда миллий тил хусусияти бўлиб ҳисобланади.

Таржималардан кўринадики, иборалар ўзаро синоним, омоним, антонимлик хусусиятларига эга бўлиши мумкин.

"Etre" феъли воситасида ясалган француз ФБларининг ўрганилган умумий хусусиятларидан келиб чиқиб, қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

**1)** Фразеологизмлар ичида феълли ФБлар, хусусан, être феъли ёрдамида ясалган иборалар катта миқдорни ташкил этади.

**2)** Фразеологизмлардан англашилаётган маънолар аниқ вазиятларни тасвирлаш асосида шаклланади.

**3)** Ранглар воситасида ҳосил бўлган феълли иборалар феъл+предлог+от, феъл+боғловчи+от+сифат, фел+ҳол+олмош+сифат, феъл+сифат формулалари асосида ясалиши мумкин.

**4)** Иборалар ўзаро синоним, омоним, антонимлик хусусиятларига эга.

**5)** Жонли таққослаш усули, метафора ва метонимия асосида маъно кўчиш ходисалари француз миллий тил хусусиятларидан ҳисобланади.

**6)** Фразеологизмлар баъзан структуравий жиҳатдан сўзларга эквивалент бўлиб келишлари мумкин.

**7)** Айрим иборалар таржимада мос келмай, бошқа бирликлар орқали ифодалансада, бу ҳолат таржима тили ва усулининг бир хил бўлиб қолмаслигини таъминлайди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. Т., 1991.
2. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. Қомуслар бош таҳририяти, Т., 1992.
3. Умбаров Н., Ҳамроқулов Г. Ҳозирги замон француз тили лексикологияси. Т., "Ўқитувчи", 1996.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т., Давлат илмий нашриёти, 2006.
5. Gougenheim G. Dictionnaire fundamental. P., 1964.
6. LAROUSSE. Dictionnaire Maxipoche. P., Editions Larousse, 2011.



# МУНДАРИЖА

Ҳожи Насруллоҳ Шукруллоҳ ўғли. Муҳтарам устознинг оқибатли шогирди ........ 5

ЎЗБЕК ФИЛОЛОГИЯСИ МАСАЛАЛАРИ ........ 7

Иброҳим Ҳаққул. Маънавий мағлубият – забунлик эрур ........ 7
Абузалова М., Баротова М. Морфемаларнинг умумий маъноси нимада? .. 15
Abdullayeva L. "Har ishda haq panohi o`lsun, yo rab..." ........ 17
Abulova Z. Turli yoshdagi o'quvchilarda badiiy asarni tahlil etish metodikasi .. 19
Abulova Z. Adabiy ta'lim tizimida yangi pedagogik texnologiyani qo'llash ..... 21
Амонова З., Ахмедова Р. Ўзбек мактабларида Шекспир ижодининг ўрганилиши ........ 23
Amonova Z. Imomova Sh. Pahlavon Mahmud ruboiylarida insoniy fazilatlarning badiiy talqini ........ 26
Asadov T. Sobirova D. - chi shaxs oti yasovchi affiksining o'zlashma sinonimlari xususida ........ 28
Астанова Г. "Минг бир кеча" ҳикояларида ҳиндча руҳият ........ 31
Астанова Г. "Минг бир кеча" асарида ривоят қилиш санъати ........ 33
Ashurova Z. O`quvchilarning nutqiy imkoniyatlari va so`z boyligini oshirish yo'llari ........ 35
Ahmedova M. Sayliyeva G. O`zbek tarjimachilik maktabida ingliz adabiyoti namunalarining o'rni ........ 37
Axmedova R. "Esdaliklar" nusxalaridagi tafovutlar ........ 39
Axmedova R. "Esdaliklar" - muqaddas va bezavol yodgorlik ........ 41
Бабаева В. Бабаева Л. Таълим-тарбия жараёнида шарқ алломалари асарларидан фойдаланиш ........ 43
Bayramova M. V-IVasrlardagi notiqlik san'ati tadriji ........ 45
Бекова Н. «Ишқ жомидин уруб ҳал мин мазид…» ........ 47
Бекова Н. Сайлиева З. "Девони Фоний": тарих, тавсиф ва тадқиқ ........ 51
Бекова Н. Ширинова Х. Навоий ғазалларида иқтибос ва талмех санъатининг қўлланилиши ........ 56
Bozorova V. «Shoh qildi suratin, darvesh qildi siyratin...» ........ 59
…ердиев Ҳ. Ўтовсозлик терминлари асосида пайдо бўлган …хшатишларнинг лексик-семантик тавсифига доир ........ 61
…bborova D. Me'muar asarlarning badiiy xususiyati haqida ........ 65
…bborova D. *Yalmog'iz* so'zining kelib chiqishi va mazkur obrazning tarixiy …oslari ........ 67
…илафруз Жабборова. Маънавий-ахлоқий тарбия методлари ёрдамида …ълим самарадорлигини ошириш йўллари ........ 70
…умаева Н. Деҳқончилик маросимларида фольклор қўшиқларининг …ни ........ 75

тилидаги ФБлар турли ранглар (gris ва noir) воситасида ясалган бўлсада, мазмунан ўзаро синонимдир. Шу билан бирга 2 – гапда мазмун 1 – гапга қараганда кучлироқ бўёқдорликка эга.

5 – Мисол.

Elle **est déjà toute grise**. — Унинг **сочига аллақачон оқ тушган.**

Бу мисол иборанинг омонимлик хусусиятга эгалигини тасдиқлайди (4-мисолга қаранг). Яъни, **être gris:**

1) ширакайф бўлмоқ;
2) сочига оқ тушмоқ, демакдир.

Француз тили фразеологиясида "<u>соч(сокол)ига оқ тушмоқ</u>" маъносини англатиш учун blanc – оқ рангдан эмас, балки gris – кулрангдан фойдаланилади. Бу французларда миллий тил хусусияти бўлиб ҳисобланади.

Таржималардан кўринадики, иборалар ўзаро синоним, омоним, антонимлик хусусиятларига эга бўлиши мумкин.

"Etre" феъли воситасида ясалган француз ФБларининг ўрганилган умумий хусусиятларидан келиб чиқиб, қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

1) Фразеологизмлар ичида феълли ФБлар, хусусан, <u>être</u> феъли ёрдамида ясалган иборалар катта миқдорни ташкил этади.
2) Фразеологизмлардан англашилаётган маънолар аниқ вазиятларни тасвирлаш асосида шаклланади.
3) Ранглар воситасида ҳосил бўлган феълли иборалар феъл+предлог+от, феъл+боғловчи+от+сифат, фел+ҳол+олмош+сифат, феъл+сифат формулалари асосида ясалиши мумкин.
4) Иборалар ўзаро синоним, омоним, антонимлик хусусиятларига эга.
5) Жонли таққослаш усули, метафора ва метонимия асосида маъно кўчиш ҳодисалари француз миллий тил хусусиятларидан ҳисобланади.
6) Фразеологизмлар баъзан структуравий жиҳатдан сўзларга эквивалент бўлиб келишлари мумкин.
7) Айрим иборалар таржимада мос келмай, бошқа бирликлар орқали ифодалансада, бу ҳолат таржима тили ва усулининг бир хил бўлиб қолмаслигини таъминлайди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. Т., 1991.
2. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. Қомуслар бош таҳририяти, Т., 1992.
3. Умбаров Н., Ҳамроқулов Г. Ҳозирги замон француз тили лексикологияси. Т., "Ўқитувчи", 1996.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т., Давлат илмий нашриёти, 2006.
5. Gougenheim G. Dictionnaire fundamental. P., 1964.
6. LAROUSSE. Dictionnaire Maxipoche. P., Editions Larousse, 2011.



## МУНДАРИЖА

Ҳожи Насруллоҳ Шукруллоҳ ўғли. Мухтарам устознинг оқибатли шогирди .......... 5

ЎЗБЕК ФИЛОЛОГИЯСИ МАСАЛАЛАРИ .......... 7

Иброҳим Ҳаққул. Маънавий мағлубият – забунлик эрур .......... 7
Абузалова М., Баротова М. Морфемаларнинг умумий маъноси нимада? .. 15
Abdullayeva L. "Har ishda haq panohi o`lsun, yo rab..." .......... 17
Abulova Z. Turli yoshdagi o'quvchilarda badiiy asarni tahli etish metodikasi .. 19
Abulova Z. Adabiy ta'lim tizimida yangi pedagogik texnologiyani qo'llash..... 21
Амонова З., Ахмедова Р. Ўзбек мактабларида Шекспир ижодининг ўрганилиши .......... 23
Amonova Z. Imomova Sh. Pahlavon Mahmud ruboiylarida insoniy fazilatlarning badiiy talqini .......... 26
Asadov T. Sobirova D. - chi shaxs oti yasovchi affiksining o'zlashma sinonimlari xususida .......... 28
Астанова Г. "Минг бир кеча" ҳикояларида ҳиндча руҳият .......... 31
Астанова Г. "Минг бир кеча" асарида ривоят қилиш санъати .......... 33
Ashurova Z. O`quvchilarning nutqiy imkoniyatlari va so`z boyligini oshirish yo'llari .......... 35
Ahmedova M. Sayliyeva G. O'zbek tarjimachilik maktabida ingliz adabiyoti namunalarining o'rni .......... 37
Axmedova R. "Esdaliklar" nusxalaridagi tafovutlar .......... 39
Axmedova R. "Esdaliklar" - muqaddas va bezavol yodgorlik .......... 41
Бабаева В. Бабаева Л. Таълим-тарбия жараёнида шарқ алломалари асарларидан фойдаланиш .......... 43
Bayramova M. V-IVasrlardagi notiqlik san'ati tadriji .......... 45
Бекова Н. «Ишқ жомидин уруб ҳал мин мазид...» .......... 47
Бекова Н. Сайлиева З. "Девони Фоний": тарих, таъриф ва тадқиқ .......... 51
Бекова Н. Ширинова Х. Навоий ғазалларида иқтибос ва талмех санъатининг қўлланилиши .......... 56
Bozorova V. «Shoh qildi suratin, darvesh qildi siyratin...» .......... 59
...ердиев Х. Ўтовсозлик терминлари асосида пайдо бўлган ...хшатишларнинг лексик-семантик тавсифига доир .......... 61
...bborova D. Me'muar asarlarning badiiy xususiyati haqida .......... 65
...bborova D. *Yalmog'iz* so'zining kelib chiqishi va mazkur obrazning tarixiy ...oslari .......... 67
...илафруз Жабборова. Маънавий-ахлоқий тарбия методлари ёрдамида ...ълим самарадорлигини ошириш йўллари .......... 70
...умаева Н. Деҳқончилик маросимларида фольклор қўшиқларининг ...ни .......... 75